



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 11 февраль, № 30 (5450)

Шанба

## БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Президент Ислам Каримов раислигида 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юрда вояга етган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро, эл-юртнинг келажаги бугун камолга етган ёшлар қўлида. “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини авваломбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир”, деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан эътибор берилган. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, айни пайтда соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етказишнинг самарали тизими ҳаётга изчил таъбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омилли, ўзбек спортининг келажаги, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умумий миллий ҳаракатга айланган.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни омаллаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар

спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриямал бўлаётди.

Ислам Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта таърибга эришилган. 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган жамғарма раислигида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта таърибга эришилган. 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган жамғарма раислигида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта таърибга эришилган. 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган жамғарма раислигида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта таърибга эришилган.

— Биз мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганимиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғу, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатимизда халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш олади.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси атофлича таҳлил этилди. Болалар спортини иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, болалар спорт объекти ва спорт залларини зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш

мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорт объекти ва спорт анжомлари билан таъмирлаш ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгилаган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан, 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда ҳар йили турли соҳаларда юзлаб янгидан-янги объектлар бунёд этилмоқда, аммо фарзандларимиз келажагига, уларнинг баркамол улғайишига хизмат қиладиган болалар спорт объекти қурилиш мазмун-моҳиятига кўра — алоҳида масала. Чунки бу ерда фарзандларимиз билан шуғулланиб, ҳар томонлама соғлом улғайётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти охиб бораётганини кўрган ота-она борки, ўзини бахтли ҳис этади, ҳаётдан рози бўлиб яшайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур жамғарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорт объекти фойдаланишга топширилди. Бу эзгу ишга юртимиздаги қатор компания ва ташкилотлар, корхоналар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йиғилишда “Ўзбекнефтегаз”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Узавтосаноат” компаниялари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асакабанк” каби жамғармага ҳомийлик қилишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилотлар номи алоҳида таъкидланди.

Аник мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан кўлга киритилган совринлар миқдори, айниқса, сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун иштирок қилган фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни кўлга киритаётди.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медалга (60 олтин) жамғарди. Сув спорти турлари билан шуғулланган ёшларимиз энг кўп медал олгани алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, қорақалпоғистонлик Абулбақир Узақбаев Сингапурда академик эшак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални кўлга киритди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ўзбекистон кўпбал нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Ўтган йили Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва “Нарру Сағанав” халқаро турнири муваффақиятли ўтказилди. Тошкентда шахмат бўйича икки жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг ўртоқлик учрашуви юксак савияда ташкил этилди. Мазкур учрашув доирасида Вишванатан Ананд ёш шахматчиларимиз билан семинар-тренинг ўтказди ҳамда уларнинг истеъдод ва маҳоратини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари спорт бугун юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланганини алоҳида қайд этди. Спортни таълим-тарбия билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш — бу биз танлаган йўлнинг ажралмас қисmidир.

Ёшларимиз орасида сузиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, академик эшак эшиш, дзюдо, бадий гимнастика, футбол, мини-футбол, стол тенниси, кураш, юнон-рум кураши, бокс, энгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда. Қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга изчиллик билан таъбиқ этилаётган “Соғлом она

— соғлом бола” мақсадли дастурини амалга оширишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзудаги халқаро симпозиумда Ўзбекистонда саломатлиқни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

Спортнинг нафис тури — бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида бадий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт мажмуалари бунёд этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида бадий гимнастика секциялари ҳамда клублари фаолияти йўлга қўйилди. Қизларни спортга жалб этишда Хоразм, Бухоро, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги кўрсаткичлар эътиборга молиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган “Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объекти қурилиши ва болалар спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, болалар спорт объекти қурилиши учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётди.

Спорт объекти қурилиши мураббий кадрлар, айниқса, мураббиялар билан тўлдиришга қаратилган ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

Қизларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигига, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишига, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда. Қизларимизнинг мана шундай соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омилларидандир, деди Ислам Каримов.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт уйлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада Ўзбекистон байрогини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ гурури учун қурайдиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мақбат вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланиши кундулик вазифасига айлантиригани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005 — 2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса

кескин камайти. Ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга қақчилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани ҳам бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2011 йилда “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

— Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, — деди Ислам Каримов. — Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлади, ҳаётга теран кўз билан қараши ўрганиди. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди.

Юртимизда ўтган йилларда спорт мажмуалари бунёд этиш борасида улкан таърибга эришилди. Бугун энг чекка ҳудудларда қад ростлаётган спорт иншоотлари ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беради. Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб 30 замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорт иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларнинг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз спорт анжомларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан бирга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, қуришни болаларни ўзига тортадиган, қулай ва хорижикидан қолишмайдиغان спорт инвентарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда болалар спорт иншоотларини қуриш, уларни жиҳозлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг истиқболдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўриниши раиси Э. Боситхонова, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очиллов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж. Ақромов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Сарвор ҲИМОДОВ олинган сурат.

## «ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙўЛИНИНГ ЮРАГИ»

Яқинда Бельгияда чоп этиладиган оммабоп “Weekend КНААК” журнали саҳифасида таниқли журналист ва фоторассом Йохан Франсеннинг “Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг юраги” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

### Дунё нигоҳи

Мазкур мақола муаллифининг Ўзбекистон бўйлаб саёҳатдан олган таассуротлари асосида тайёрланган бўлиб, унда халқимизнинг бебаҳо маданий мероси ва бой тарихи, диққатга сазовор масканлари ҳақида

ҳикоя қилинади. Хусусан, у Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ўзини жуда мафтун этганини, бу шаҳар кишида нурафшон келажакка ишонч туйғусини уйғотишини таъкидлайди. Мақолада ёзилишича,

Тошкент ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида бир неча маротаба вайронгарчиликка рўпара келган. “Бунинг сабаби урушлар ёхуд 1966 йилда содир бўлган мудҳиш зилзилга сингари табиий офатлар эди. Аммо шунга қарамай, шаҳар ҳар гал қайта туғилган ва янада

гўзал манзара касб эта борган”, дея ёзади Й. Франсен. Муаллиф Ўзбекистон истиколига эришган, Тошкент сезиларли даражада ўзгаргани ва мамлакат Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олгани ҳолда, эркин бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган кенг кўламли ислохотларни изчил амалга ошираётганини қайд этади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов 1990 йил 4 августда бўлиб ўтган юқори даражадаги йиғилишлардан бирида кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастурини яратишдек долзарб масалани кун тартибига қўйган эди.

### Анжуман

Уша оғир ва суронли йилларда, Ўзбекистон мураккаб иқтисодий-сиёсий муаммолар гирдобидида турган бир пайтда давлатимиз раҳбари муаммодан чиқиш йўлини — юртимизнинг буюк келажагини кадрлар тайёрлаш тизимига боғлиқ тасаввур қил-

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ САМАРАЛАРИ

гани, шу мақсадда қабул қилинган ва изчил амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугун қандай ҳаётини самаралар бераётгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китоби: истиқлол арафасида янги авлод кадрларни тайёрлаш концепцияси самаралари” мавзуда ташкил этил-

ган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ. Назаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва жасорати, қатъий саъй-ҳаракатлари билан Ватанимизнинг мустақилликка эришгани халқимизнинг энг катта тарихий ютуғи эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

### Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

#### ■ Бухоро

Жондорлик тadbиркор Мамлакат Тошева бундан бир неча йил аввал фаолияти деярли тўхтаб қолган сутни қайта ишлаш корхонаси негизда "Жондор чашмаси" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этганди.

#### Тadbиркор аёл шижоати

Корхонани техник жиҳатдан янгилаш ишларига банк томонидан 50 миллион сўмлик кредит ажратилган, ишлар янада юришиб кетди. Ҳозир 21 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада кунига уч тоннагача сўт қайта ишланиб, худуддаги савдо шохбачаларига етказиб берилмоқда. Айтиш керакки, ўтган йили вилоятдаги тижорат банклари томонидан тadbиркор аёлларга 14,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

**И. ИБРОХИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### ■ Жиззах

Вилоятда яқунланган йилда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан жами 116,4 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилди.

#### Йилига икки миллион дона маҳсулот

— Йилига 2 миллион дона спорт кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхонамизни ишга тушириш учун банкдан 520 миллион сўмлик кредит олдик ва замонавий ускуналар билан жиҳозладик, — дейди Жиззах туманидаги "Zaresta Tex" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳрат Тўраев. — Ўтган қисқа даврда 200 миллион сўмликдан ортиқ дастлабки маҳсулотларимиз буюртмачиларга етказиб берилди.

Ҳозир бу ерда 100 га яқин ишчи меҳнат қилаётган бўлиб, уларнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежалари битирувчилари ташкил этади. Корхона тўла қувват билан ишлаш бошлагач, жамоа аъзолари сони 200 нафарга етиши кутилмоқда.

**У. АДИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### ■ Самарқанд

Тайлоқ туманида 2011 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 11 лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 4 миллиард 297,2 миллион сўм йўналтирилди.

#### Фермер ибрати

Жумладан, тadbиркор Бахтиёр Маърипов банкнинг 800 миллион сўмлик кредити ҳамда ўзи раҳбарлик қилаётган "Сиёб Шавкат Орзу" фермер хўжалиги маблағи эвазига бир йўла ҳужжат қўйишни амалга оширди. Айни пайтда хўжалик қошидаги чорвачилик мажмуида Германиядан келтирилган 199 бош зотли сигир парвартиши қилинмоқда. Шунингдек, мажмуа 183 минг еврога тенг дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Шу билан бирга, хўжалиkning паррандачилик фермасида кенг кўламли модернизация тadbирлари амалга оширилган, бу ерда санат усулида 300 минг бош товуқ парвартиши имконияти яратилди. Ушбу лойиҳани рўйбга чиқариш учун 94 минг АҚШ доллари ҳамда 354 минг евро миқдориде маблағ сарфланди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### ■ Хоразм

Урганч шаҳридаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Megaslega" қўшма корхонасида банкдан ажратилган 400 миллион сўмлик кредит эвазига кенг кўламли модернизация тadbирлари амалга оширилди.

#### Мустаҳкам ва бежирим мебеллар

Хусусан, бу ерга Италиядан ёғоча ишлов берувчи замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга ортиб, маҳсулот тури ҳам кўпайди. Таъкидлаш керакки, ўтган йили корхона жамоаси томонидан 1 миллиард сўмликка яқин 40 турдаги мебель жиҳозлари тайёрланди. Айни пайтда Хоразм вилоятида хориж сармоси иштирокидеги 30 та корхона фаолият юритмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Таҳлил ва таққос

Хар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати унинг экспорт салоҳиятида намоён бўлади. Қувонарли жиҳати, Ўзбекистон йилгига йиллик мустақил тараққиёт йўлида жаҳон бозорига дадил қадамлар билан кириб бориб, ташқи иқтисодий ҳамкорлик доирасини тобора кенгайтирмоқда. Бунда Юртбошимизнинг мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, четга хом ашё эмас, қўпроқ тайёр маҳсулот чиқариш борасидеги изчил ва қатъий сиёсати муҳим аҳамият касб этапти.

#### Хусусан, Тошкент вилоятида

ҳам бу борада салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, кейинги ўн йил ичида вилоятнинг экспорт салоҳияти кескин ошиб, ташқи савдо жуғрофияси янада кенгайди. Анкироғи, 2001 йилгача, бор-йўғи, бешта хорижий мамлакат билан савдо-сотик алоқалари йўлга қўйилган бўлса, бугун ҳамкор давлатлар сони юздан ошди. Уларнинг саксонга яқини узок хорижий давлатлар бўлиб, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Япония, Россия ва Хитой каби мамлакатлар билан манфатли алоқалар мустаҳкам йўлга қўйилган.

— Маълумки, бир вақтлар биз экспортга, асосан, хом ашё жўнатардик, — дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Юнусхон Ёқубохов. — Ҳозир эса экспорт таркибида тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, технология касб-услугалар бор. Айниқса, бу борада замонавий хизмат турларининг улуши ортиб бораётгани алоҳида диққатга сазовор. Агар мустақилликнинг ilk йилларида хорижга вилоятдаги 10 та корхона яримтайёр маҳсулот чи-

## ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

қарган бўлса, эндиликда бундай ишлаб чиқариш субъектлари сони қарийб 200 тага етди. Натияжада 2011 йилда вилоятда экспорт ҳажми 2 миллиард 209,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2010 йилдагига нисбатан 26,8 фоиз кўпдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашчи, иқтисодий тармоқларига хориж инвестицияларини кенгроқ жалб этиш, талаб ва тақдирдан келиб чиққан ҳолда, янги, асосан, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, вилоятдаги қўшма корхоналар сони 429 тага етди. Утган йилнинг ўзида хориж сармоси иштирокидеги 51 ишлаб чиқариш субъекти рўйхатга олинди. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Масалан, вилоятга 2011 йил давомида киририлган жами капитал қўйилма-

лар ҳажми 2 триллион 75 миллиард сўмдан ошган бўлса, унинг 1 триллион 524 миллиард сўмдан зиёди бевосита ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. Шундан 261,1 миллиард сўми тўғридан-тўғри хориж сармоси аканиги янада аҳамиятлidir. Агар ушбу рақам 2010 йилдаги кўрсаткичларга таққосланса, ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми ўрта ҳисобда қарийб 25 фоиз кўпайгани аён бўлади. Ўз навбатида, мазкур маблағлар вилоятнинг табиий шариоат ва имкониятларида келиб чиқиб, озиқ-овқат, қурилиш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиғи, нефть-кимё, машинасозлик соҳаларини ривожлантиришга сарфланапти. Бўстонлик туманида лойиҳа қиймати 1,5 миллион АҚШ долларини "Осборн Текстиль", Зангиота туманида 31,5 миллион АҚШ доллари ҳисобига ташкил этилган "Asia Trade", Ян-

гийўл туманида 4,1 миллион АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида юзга келган "Глобал Комско ДЭУ" қўшма корхоналари ана шундай ислохотлар самараси, дейиш мумкин.

— Қишлоғимиз санат маркази айланиб бормоқда, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги

"grand" ҳамда бир қатор енгил санат корхоналарини қуриб, очиги, ҳавас қиласиз. Қувонарлики, ҳозир юзлаб жумабозорлик, бордонқўлик ёшларни иш билан таъминлаган мазкур корхоналар маҳсулотларига нафақат ўзимизда, балки хориж мамлакатларида ҳам талаб ортмоқда.

Вилоятнинг экспорт имкониятлари кенгайиб бораётган экан, бунда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро санат ярмаркаси ва кооперация биржаси муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Чунки мазкур тadbир доирасида имзоланган шартнома асосида Ўтган йили 79,8 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар хорижлик ишбилармонларга етказиб берилди. Худуд корхоналарига ана шу шартномалар доирасида товар етказиб бериш бўйича яна 212,5 миллион АҚШ долларлик буюртма тушди. Умуман, ярмаркада қатнашиб, экспорт бўйича шартномалар тўзаетган корхоналар кейинги икки йилда 20 тага, тузилган шартномалар қиймати эса 147 миллион АҚШ долларига кўпайди.

— Мазкур тadbирда иштирок этиб, хориж компаниялари билан ўзаро манфатли келишувларга эришаётганимиз айни мудоао бўлапти, — дейди Бекобод шаҳрлик тadbиркор Хидоят Ҳақимова. — Унда хорижлик ишбилармонлардан бири фаолиятимизга баҳо бера туриб, "Ўзбекистоннинг моллари асл, ўзбек тadbиркорлари мард ва олижаноб, бу ерда ишончли ҳамкорлик қилиш мумкин", деган гапни айтади. Бундан, ростки, бошимиз кўкка етди. Ахир хорижлик шериклар тилидан бундай эътирофни эшитиш тadbиркор учун қатта шараф. Қолаверса, бу бизни янада масъулият билан ишлашга ундапти.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Телекоммуникация: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА СИФАТЛИ АЛОҚА

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йил давомида мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 41,6 фоизга ўсгани бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳоланди.

#### ■ Ислохот

Шу билан бирга, жорий йилда, хусусан, телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилиши қайд этиб ўтилди.

Табиийки, эришилган ана шу муваффақиятларда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Сирдарё филиали жамоасининг ҳам муносиб улуши бор.

— Ўтган йили филиалимиз ҳамда унинг шаҳар ва туман боғламалари томонидан аҳолига 3,8 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди, — дейди филиалнинг тижорат директори А. Арзикулов. — Аҳолининг глобал тармоқдан янада кенгроқ фойдаланишини таъминлаш мақсадида мавжуд интернет портлар сонини 1724 тага кўпайтирдик. Гулистон, Янгийер, Ширин шаҳарлари ва Сирдарё, Гулистон, Ховос, Бобёвут туманлари оралиғида интернетнинг ишлаш тезлиги 1 Гбит/сек.га кўтарилди. Шунингдек, ўтган йили Гулистон шаҳри ва Сирдарё тумани марказида "Ағона ойна" лойиҳаси амалга оширилди. Бу орқали аҳолига кўрсатилётган телекоммуника-



ция хизматлари турларини кўпайтириш, мижозларга бир жойнинг ўзида барча турдаги телекоммуникация хизматларини

ришга хизмат қилаётди. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Сирдарё филиали жамоаси ҳам шундан келиб чи-

қариб алоқа кабелли ётқизилиди ва ускуналарни монтаж қилиш яқунига етказилди. "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг алоқа тармоғини кенгайтириш лойиҳаси доирасида эса 2750 метр масофада ана шундай алоқа тармоғи тортилди. Бинобарин, филиал муҳандислар Президентимизнинг 2009 йил 23 июндаги "Ўзе-

болари алоқа кабеллари ётқизилган муваффақ бўлдилар.

Яна бир янгилик. Манзилли қурилиш дастурига қўра, жорий йилнинг биринчи чорағида Гулистон, Янгийер, Ширин шаҳарлари ҳамда Сирдарё, Гулистон, Ховос, Бобёвут, Мирзаобод туманлари марказларида Хитойнинг "ZTE" компаниясидан келтирилган "MSAN" электрон рақамли станциялар ўрнатилиши режалаштирилган. Айтиш, жозики, мазкур истиқболли лойиҳа амалга оширилиши билан шаҳар ва қишлоқларда яшовчи филиал миқозлари "NGN" технологияси асосида битта

#### ■ Қарор ва ижро

Бугунги кунда мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки экин майдонларини соз қолтатга келтириш мўл ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бирidir.

## РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ

Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги "2008 — 2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эса ана шу ҳаётий зарур чора-тadbирларни амалга оширишда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор ижроси таъминлаш мақсадида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

— Оролбўйида 517 минг гектар сугориладиган ер мавжуд бўлиб, ушбу худудга 19434 километрик коллекторлар орқали хизмат кўрсатилади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Гидрометеорология экспедиция бошлиғи Абдот Салихов. — Жамоамиз томонидан ер ости сувларининг сатҳини, тупроқ минераллашувини аниқлаш ва зарур таъсирлар ишлаб чиқиш каби вазифалар 3304 та кузатув тармоғи ёрдамида амалга оширилади.

Президентимизнинг юқоридаги қарори ижроси доирасида жамоа томонидан ўтган давр мобайнида 162 километрик коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, 5328 километрик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Бунинг учун 41,5 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Айни пайтда худудда мелиорация ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 4 та давлат унитар корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналар тасарруфидаги 44 та замонавий техникадан унумли фойдаланиш эришилаётган муваффақиятларнинг асосий омили бўлмоқда.

Жорий йилда экспедиция жамоаси бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида 123,5 километрик коллекторларни реконструкция қилиш ҳамда 2290 километрик мелиорация ишоотларида таъмирлаш ишларини олиб боришни режалаштирмоқда. Бу каби чора-тadbирларнинг амалга оширилиши қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг барокалли хирмон етиштиришларига улкан замин яратади. Зеро, ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Хар қарич ерни қадрлаб, унга экилган экин меҳр билан парваришланса, замин ҳам ўз саховатини аямайди, дастурхонимизни турли ноз-неъматларга тўлдиради.

**Хидоят АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ

баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда оилалар фаровонлигини таъминлаш ҳамда ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган кенг кўламли вазифалар амалга ошириб келинмоқда.

#### ■ Мустаҳкам оила йили

Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номлангани ҳам ана шу хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди.

Шу маънода, ушбу йилда оила мустаҳкамлигини таъминлаш борборида, никоҳ тушунчаси муқаддаслигини тарби қилиш, она ва бола манфаатлари устуворлиғига эришилди, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асариде алоҳида таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир. Бу эътирофдан ҳам қўришиб турибдики, оила мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиғига ҳамда барқарорлиғига мамлакатимиз истиқболли-

ни белгилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис Конституцияимизга биринчи марта оила тушунчаси миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда киритилди, унинг 14-боби "Оила" деб номланди. Мазкур боб оила қонунчилигининг долзарб жиҳатларини қамраб олгани билан аҳамиятлidir. Жумладан, 63-моддада оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, у жамият ва давлат муҳофафасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Конституцияимиз қабул қилинганининг 19 йиллиғига бағишланган тантанали йилгилишдаги маърузасида жорий йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилар экан, бу орқали бир қатор устувор

мақсадларни рўйбга чиқариш кўзда тутилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтди. Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас саналган оилани ҳаётимиз таянчи ва суянғича айлантириш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиш бериш, ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликни кучайтириш, мустаҳкам оилани шакллантиришда маҳаллаларнинг ўрни ва таъсирини ошириш ана шулар жумласидандир.

Буни бошқача қилиб айтадиган бўлсак, оиланинг барқарорлиғи ва авлодлар бардавомлигини таъминловчи оналик ва болалиқни муҳофафазлаш, уларнинг соғлигини ҳамда репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш ва турмуш тарзини соғломлаштириш, хар томонлама баркамол авлодларни вояга етказиш учун барча шароитларни яратиш, ёшларда педагогика ва психология оид замонавий усуллари қўллаш асосида эркин фикрлаш кўникмасини шакллантириш, миллий анъана ҳамда қадриятларимиз асосида болаларни

Ватанга муҳаббат ва садокат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш айни мудоаодир. Шу билан бирга, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб тураржой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитини яратиш, ажралиш ҳолатларига мумкин қадар қайтариш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда ёш улуг инсонлар ва маҳаллаларнинг ролини ошириш, фарзандсиз оилаларни сақлаб қолиш мақсадида фарзандликка олиш институтининг фаолият доирасини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтасар айтганда, Мустаҳкам оила йилида бир қатор устувор мақсад ва вазифалар олдимизда турибди. Уларни рўйбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, хайрия жамағармалари билан ҳамкорлик қилиш ўзининг қутилган натижасини беради, албатта.

**Заммира ЭСАНОВА,**  
Тошкент давлат юридик институти кафедрa нулдри, юридик фанлари доктори.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Аждодларимизнинг асрий орузи бўлган, халқимиз учун энг улуг, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбасига айланган бу бахтга эришилиш ўз-ўзидан бўлмаган. Буларнинг барчасини теран англашда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби ишончли манба ва амалий қўлланмадир.

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ САМАРАЛАРИ

Таблим тизимида амалга оширилган тўб ислохотлар натижасида нафақат миллий кадрлар салоҳияти юксалди, Балки 1,6 мингга яқин академик лицензия ва касб-ҳунар коллежи, қарийб 10 мингта умумтаълим мактаби, 200 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби замонавий талаблар асосида янгидан барпо этилди. 1 минг 200 дан зиёд болалар спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди ва жиҳозланди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган олий ва ўрта махус таълим, кадрлар малакасини ошириш тизими шакллантирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Олий бизнес мактаби тингловчиларининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини таълим тизимида чукр ўрганиши аҳамияти, раҳбар кадрлар масъулиятини оширишда асардан ибрат намунаси сифатида фойдаланишга оид маърузалари тингланди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири.

**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Фаолият йўналишини ўзгартиради**

“Eastman Kodak” компанияси рақамли фото ва видеокамералар, шунингдек, фоторамкалар ишлаб чиқаришни тўхтатишни маълум қилди, дейилади “Reuters” ахборот агентлиги хабарида.

Ушбу режа жорий йилнинг биринчи ярмига қадар ун босқичда амалга оширилади. Шундан сўнг “Eastman Kodak” асосий этиборини камералар учун зарур жиҳозлар, принтерлар тайёрлашга қаратмоқчи. Режада суратлар чоп этиш хизмати ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.



**Кўрилган зиён оз эмас**

Ўтган йили сомалилик қароқчилар томонидан жаҳон иқтисодиётига ўртача 6,6 — 6,9 миллиард АҚШ доллари миқдорига зарар етказилган.



Ушбу маблағнинг 80 фоизи денгиз орқали хизмат кўрсатувчи компаниялар, қолгани ҳуқуқматлар ҳиссасига тўғри келган. Мабдада таъқидланишича, сарф қилинган пулларнинг 99 фоизи босқинчилардан ҳимояланишга, масалан, ҳарбий кучларни жалб этишга ишлатилган. Хусусий фирмалар эса фақат ёқилган учун ортиқча 2,7 миллиард доллар йўналтиришга мажбур бўлганлар. Чунки улар Сомали қирғоқларида яқинлашгани, қароқчилар қўлга тушиб қолмаслик учун кема-ладини меъёридан анча тез ҳаракатлантиришган. Бу, табиийки, ёқилган сарфи ортишига олиб келади.

Ушбу маблағнинг 80 фоизи денгиз орқали хизмат кўрсатувчи компаниялар, қолгани ҳуқуқматлар ҳиссасига тўғри келган. Мабдада таъқидланишича, сарф қилинган пулларнинг 99 фоизи босқинчилардан ҳимояланишга, масалан, ҳарбий кучларни жалб этишга ишлатилган. Хусусий фирмалар эса фақат ёқилган учун ортиқча 2,7 миллиард доллар йўналтиришга мажбур бўлганлар. Чунки улар Сомали қирғоқларида яқинлашгани, қароқчилар қўлга тушиб қолмаслик учун кема-ладини меъёридан анча тез ҳаракатлантиришган. Бу, табиийки, ёқилган сарфи ортишига олиб келади.

**Харажатларни қисқартирмоқчи**

АҚШнинг салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи “Pepsico” компанияси ўтган йилнинг тўртинчи чорагида “Pepsi-Cola”, “Tropicana” каби дунёга машҳур брендлари савдосидан қутилганидан кўп даромад олган бўлса-да, келгуси уч йил ичида иш ўринлари сонини 8700 тага қисқартиришни режалаштирмоқда.

“Евроноус” телеканали хабарига келтирилишича, бу тадбир компаниянинг 30 та давлатдаги бўлимида амалга оширилади ва умумий ҳодимларнинг 3 фоизини ташкил этади. Мутасаддилар шу орқали



харажатларни камайтиришни мақсад қилишган. Жорий йилда “Pepsico” даромадлари 5 фоизга қисқариши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлар ана шундай қарор қабул қилишга ундаган бўлса, ажаб эмас.

**Халқаро спорт арбитраж суди Германиялик велоспортчи, “Тур де Франс” мусобақасининг 1997 йилдаги голиби Ян Ульрихни икки йил мuddатга дисквалификация қилди.**

**Допингга қарши кескин чора**

Бунга унинг допинг қабул қилгани тўғрисида Халқаро велоспортчилар уюшмаси (UCI) тақдим этган далиллар асос бўлди. Аслида Ульрих спортдаги фаолиятини 2007 йил февраль ойида якунлаган эди. Кўпчилик унинг бу қарорини 2006 йилда Испания полицияси томонидан допингга қарши ўтказилган тадбир ҳулосалари билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Чунки ўшанда Германиялик спортчининг таққидланган модда истеъмол қилгани ошкор бўлган эди. Суд қарорига кўра, Ульрихнинг 2005 йил май ойидан кейинги барча натижалари бекор қилинди. Дисквалификация мuddати эса 2011 йилнинг августидан бошлаб ҳисобланади.



**Инкироз ўз таъсирини кўрсатмоқда**

2011 йилнинг октябрь — декабрь ойларида жаҳондаги энг йирик мобил алоқа операторларидан бири — Буок Британиянинг “Vodafone” компанияси даромади 2,3 фоизга пасайган.



молиявий-иқтисодий инкироз сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Бу қарийб 14 миллиард евро деганидир. Мазкур салбий ҳолатга Европада, жумладан, Испания, Италия ҳамда Грецияда ҳали-ҳануз сақланиб турган

**Кинофестиваль бошланди**

Берлинда 62-халқаро кинофестиваль очилди.

Дунё киноижодкорлари этиборини доимо ўзига тортиб келадиган мазкур нуфузли тадбир дастуридан янги фильмлар тақдими, кўрик-танловлари ва турли анжуманлар ўрин олган. Хусусан, бу гал 18 та фильм танлов учун тақдим этилган. Улар орасидан совринли ўринларга энг муносибларини саралашда британиялик режиссёр Майкл Ли раислигидаги ҳайъат аъзолари иш олиб боради. Фоллибург номи эса 18 февраль куни эълон қилинади.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 25 апрелдаги 11415/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 557,63 кв.м. бўлган, 8 та ашаш хонаси, дахлиз, 3 та ҳаммом, йўлак, ошхона, ҳожатхона, 2 та холл, 2 та ертўла, 2 та соябондан иборат уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 681 377 376 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 28 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 24 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамий к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

Жиззах вилояти филиали

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод ва Кичик халқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли, 2 қаватли, умумий майдони 1852,0 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Бошлангич баҳоси — 1 256 298 968 сўм.

2. Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зайтун кўчасида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли, 3, 5, 7-уйлар.

Бошлангич баҳоси — 813 048 305 сўм.

3. Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 15 июндаги 13-1105/2115-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Сангзор

маҳалласи, Ш. Рашидов кўчаси, 128-«А» уйда жойлашган, «Зангори Эҳран» МЧЖга қарашли, А-литердаги, 2 қаватли, 54 хонадан иборат маъмурий бино, Б-литердаги 6 та хонадан иборат ҳожатхона биноси.

Бошлангич баҳоси — 150 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 14 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2011 йил 13 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиали, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. rieltfsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

Лицензия: RR-0001.

**ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:**



ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-40ЗА**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т.
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

**АВТОКРАНЫ**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

- КК-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЭ**
  - максимальная грузоподъемность — 14 т.
  - максимальная высота подъема — 14,5 м.
- КК-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 16 т.
  - максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом).
- КК-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 25 т.
  - максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом).



Теперь вся продукция ИВЛЗИНГ

**КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.**

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

**АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ**

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси МАН, КАМАЗ, МАЗ.

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz



Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Лицензия: RR-0001.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

Сирдарё вилояти филиали

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар савдога такроран қўйилмоқда:

1. Янгийер шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 12-1003/2418 (27.1)-сонли, 2010 йил 28 августдаги 12-1003/8098 (27.1)-сонли, 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/9185 (27.1)-сонли, 2010 йил 7 октябрдаги 12-1003/1024 (27.1)-сонли, 2010 йил 3 декабрдаги 12-1003/15210 (27.1)-сонли, 2010 йил 24 декабрдаги 12-1003/17363 (27.1)-сонли, 2011 йил 29 апрелдаги 12-1003/3079 (27.1)-сонли ва 2011 йил 13 январдаги 12-1003/63 (27.1)-сонли суд буйруқларига асосан, қарздор Янгийер шаҳар «Сувкова» қорхонасидан қарзни ундириш эвазига хатланган, Янгийер шаҳри, Ш. Рашидов маҳалласи, Яшил хибобон ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 416 кв.м., фойдалан майдони 1029,42 кв.м. бўлган, 0001-литердаги маъмурий бино, 0002-литердаги омборхона, 0003-литердаги ёрдмчи бино, 0004-литердаги бостирма, 0005-литердаги асфальт майдонидан иборат бино-иншоотлар.

Бошлангич баҳоси — 232 536 976 сўм.

2. Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 24 майдаги

112-01011/2311 (27.1)-сонли ижро варақасига асосан, қарздор Сирдарё тумани йўл ҳўжалигини таъмирлаш-фойдаланиш пудрат қорхонасидан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 210-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 393,75 кв.м. бўлган, 0006-литердаги ёрдмчи бино.

Бошлангич баҳоси — 170 813 129 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 28 февраль куни соат 11.00 да «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91.

Лицензия: RR-0001.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (Собир Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган база биноси, умумий майдони — 12624 кв.м., қурилиш ости майдони — 3884,15 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 811 761 322 сўм.

2. «Ал-Бахтиёр» АГПШ хусусий қорхонасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар қўрғонига жойлашган автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси, умумий майдони — 4000,0 кв.м., қурилиш ости майдони — 283,98 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 147 623 941 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**Талабгорлар диққатига!**

Ушбу мулклар 2012 йил 13 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 27 март ва 10 апрель кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонероли кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 293-80-56.

Лицензия: RR-0001.

**Мухтарам қурдошлар! Сиз учун имконият!**

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилган хизматлар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишни қафолатлаймиз.

Лицензия: RR-0001.

